БАЙРАМОНА ҲАФТАЛИКЛАР

Қутлуғ байрам шарафига Наманган вилоят бўйича ҳафталиклар ўтказилмоқда. Турли мавзуларга бағишланган бу тадбирларда тармоқ раҳбарлари, мутахассис ва мутасаддилар истиқлол фазилати, хосияти ва манфаати ҳақида маърузалар қилиб, хайрли тадбирлар ҳақида сўзламоқдалар. Бўлиб ўтган "Тадбиркорлик — иқтисоднёт келажаги" ҳамда "Ислоҳотдан мақсад — халқ турмуш даражасини юксалтириш" ёки "Ислоҳотлар муваффақияти — истиқлол шарофати" мулоқотлари кўпчиликда ажиб таассурот қолдирмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

МУСТАҚИЛЛИК ЛАВҲАЛАРИ

Мамлакатимиз Бадиий академияси давлатимизнинг 6 йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган "Ўзбекистон — 97. Мустақиллик одимлари ва кишилари" биринчи республика кўргазмасининг совринларини эълон қилди. Битта биринчи мукофот 150 минг битта иккинчи мукофот 100 минг, учта учинчи мукофот ҳар бири 80 минг сўмдан белгиланган. Бундан ташқари ғолибларга "XXI аср ўзбек ижодкорига" махсус совринлари ва дипломлари ҳам берилади. Асарларда мамлакатимиз бой тарихи, халқимизнинг бунёдкорлик ишлари, мустақиллик даврининг шаҳдам одимлари акс эттирилиши лозим.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ПЕШҚАДАМНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Мамлакат миллий чемпионатида МҲСК футболчилари бирин-кетин очколар йўқотишмоқда. Аввалги турда улар "Навбаҳор" билан дуранг ўйнашган эди. МҲСК—"Пахтакор" учрашувида пахтакорчилар 2:1ҳисобида ғалаба қозонишди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди:"Трактор"—"Навбаҳор"—1:2, "Бухоро"—"Чилонзор"— 1:1, "Хоразм"—"Насаф"—6:2, "Косонсой"—"Дўстлик"—1:2, "Атласчи"—"Зарафшон" —1:4, "Сўғдиёна"—"Андижон" — 1:1, "Нефтчи"—"Янгиер"—3:0, "Сурхон"—"Афросиёб"—8:0.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ХАЙРИЯ ПОЕЗДИ

"Экосан" халқаро жамғармаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб, Қорақалпоғистон диёридаги Оролбўйи ва Мўйноқ минтақаси аҳолисига саҳоват кўрсатиш мақсадида хайрия поездини ҳозирлади. Поезд 3 миллион сўмлик атрофида дори-дармонлар, болалар учун кийимкечаклар, ўқув қуроллари, шифохоналар учун санитария-гигиена жиҳозлари ва бошқа зарур буюмлар ортилади. Поезд бир ҳафта мобайнида минтақа аҳолисига медицина ёрдамини кўрсатади.

Мунира АЗИМОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 23 август, шанба № 99 (22.183).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1993 йил 25 август* — **Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.**

✓ *1996 йил 26 август* — **АҚШ Президенти Билл Клинтон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига 1 сентябрь — мамлакат мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан табрик йўллади. Табрикда Ўзбекистоннинг беш йил давомида эришган ютуқларига юксак баҳо берилиб, унинг буюк келажагига ишонч билдирилди.**

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Халқ хўжалигининг устувор соҳаларида, хусусан, ғалла, нефть, энергетика мустақиллигига эришиш Президент Ислом Каримов ишлаб чиққан тараққиёт йўлининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган. Шу мақсадда мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида улкан ишлар амалга оширилди. Жорий йилда деҳқонларимиз қарийб 4 миллион тонна ғалла етиштирди. Бу ўзимизни дон билан таъминлаш имконини беради. Даладаги ҳосил бу йил пахта хирмонимиз ҳам юксак бўлишидан далолат бермоқда. Айниқса, Кўкдумалоқ, Алан, Мингбулоқ нефть конларида амалга оширилган ишлар, Муборакдаги компрессор станциясининг ишга туширилиши, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг обдон таъмирланаётгани нефть маҳсулотлари билан нафақат ўзимизни таъминлаш, балки уни четга сотиш имконини ҳам беради.

22 август куни иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида яна бир улкан қадам қўйилди. Қоровулбозордаги замонавий технология асосида жиҳозланган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.

СУРАТЛАРДА: Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи халқаро тақдимот маросимидан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Шу муносабат билан бу ерда халқаро тақдимот маросими бўлди. Уни Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов очди. Маросимда тегишли вазирлик, қўмита, концерн, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, дипломатик корпус, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов тақдимот маросимида нутқ сўзлади.

Тадбирда Франциянинг «Текнип» компанияси президенти Пьер Вайо, «Бухоронефтзаводқурилиш» 2-қурилиш монтаж бошқармаси бригадаси бошлиғи, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори С. Саксонов сўзга чиқиб, мазкур иншоот Ўзбекистон билан юксак тараққий этган Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Туркия каби мамлакатлар компания ва фирмалари ўртасидаги амалий ҳамкорлик самараси бўлиб, унинг ишга туширилиши мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва «Текнип» компанияси президенти П. Вайо завод ишга тушганидан дарак берувчи рамзий лентани қирқдилар. Мамлакатимиз раҳбари завод ҳудудини кўздан кечирди, замонавий қурилмаларнинг иш жараёни билан танишди.

Қарийб 300 гектар майдонни эгаллаган, лойиҳа қиймати деярли 500 миллион доллар бўлган мазкур завод ўтиш даври мураккабликларига қарамай қисқа муддатда қуриб битказилди. Ўзбекистонда хорижий сармоялар иштирокида бу каби йирик лойиҳалар кўплаб амалга оширилмоқда. Бундай мислсиз ишлар матбуот вакилларида, айниқса хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Президент Ислом Каримов журналистларни қизиқтирган ана шу саволларга жавоб берар экан, жумладан бундай деди:

— Бу заводнинг қуриб битказилиши нафақат иқтисодий, балки бир вақтнинг ўзида дунёдаги бир неча йирик қудратли компаниялар билан ҳамкорлик қилиш тажрибаси сифатида ҳам биз учун қимматлидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда — саҳро қўйнида тараққиётнинг янги намунаси яратилмоқда. Биз завод атрофидаги улкан майдонни кўкаламзор масканга — янги воҳага айлантирамиз. Бу ерда ўрмончилик жамоа хўжалиги, «Жайрон» қўриқхонаси ташкил этилгани, завод ишчилари учун қурилган замонавий шаҳарча бу борадаги ишларимизнинг дебочасидир. Мамлакатимизда хорижий сармоялар иштирокида мазкур завод қурилиши каби қўплаб улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда. Демоқчиманки, хорижлик шериклар билан тенгма-тенг, амалий ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда.

Янги завод тақдимоти маросимидан сўнг давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳрига йўл олди.

Маълумки, қадимий шаҳарларимиздан бири Бухоронинг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Таъмирдан чиққан тарихий обидалар шаҳар кўркига кўрк бағишламоқда. Давлатимиз раҳбари ана шу иншоотлардан бири — Масжиди Калонда бўлиб, таъмирлаш ишларининг бориши билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган меъмор ва усталар билан мустақиллик йилларида тарихий қадриятларга, бой маънавий-маърифий меросимизга ҳурмат билан ёндашилаётгани хусусида суҳбатлашди. Улар шўро даврида эътибордан четда бўлган санъатлари қадрланаётганлиги учун йўлбошчимизга миннатдорлик билдирдилар.

Президентимизнинг Бухоро сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов, Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Россия Федерацияси Давлат думаси раиси Геннадий Селезнев бир кунлик ташриф билан Белоруссияга боришни режалаштирмоқда. У республика Президенти Александр Лукашенко ва парламентнинг иккала палатаси раислари билан учрашишни кўзда тутмоқда.***

* * *

☑ ***Латвия, Литва ва Эстония ташқи ишлар вазирларининг учрашуви Ригада бўлиб ўтади. Учрашувнинг асосий мавзуси уч томонлама ҳамкорлик ва Болтиқбўйи мамлакатларининг ташқи сиёсати масалалари билан боғлиқ кенг музокаралар олиб боришдан иборат. Айниқса Латвия, Литва ва Эстониянинг Европа иқтисодий тизимига қўшилиши муаммоларига алоҳида эътибор берилади.***

* * *

☑ ***Парагвай пойтахти Асунсьон шаҳрида «Рио гуруҳи» — Лотин Америкаси мамлакатларининг умумий муаммоларини муҳокама қилиш ва қарорлар чиқариш учун ташкил этилган сиёсий гуруҳ аъзолари бўлмиш 14 мамлакат вакилларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Анжуманнинг кун тартибида интеграция, савдо, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик, наркобизнес ва коррупция билан боғлиқ муаммолар бор.***

* * *

☑ ***Кеча Чечнистон Президенти Аслан Масхадов Москвага махсус тергов гуруҳини юбориш ҳақида гапирди. Бу ҳақда Чечнистон ҳукумати Бош вазирининг биринчи ўринбосари Мовлади Удугов матбуот органлари вакилларига хабар берди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам қурилиш иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, сизлар билан буюк истиқлолимизнинг муборак 6 йиллиги арафасида катта тантана, яъни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилиши маросимида учрашиб турганимдан мамнун ва бахтиёр эканимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бундан бир неча йил олдин Қизилқум саҳросининг ўртасида, аждодларимиз тили билан айтганда, «Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган» чўлу биёбонда энг замонавий, энг улкан завод қад кўтаради, деб айтганимизда баъзи бировлар афсона, деб ўйлагани ҳеч кимга сир эмас.

Мана, бугунги кунда бунёдкор халқимиз иродаси билан, ажнабий дўстларимизнинг фаол иштирокида афсона ҳақиқатга айланди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида яна бир дадил қадам қўйилди.

Барчангизни нафақат бугунги ҳаётимизда, балки келажак ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин тутадиган, иқтисодий салоҳиятимиз юксалишига улкан ҳисса қўшувчи мана шу завод ишга тушиши муносабати билан чин кўнгилдан табриклайман.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун биз барчамиз, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеа — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилишининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Биз бу кунни катта ҳаяжон билан кутганимизни яшириб ўтирмайман. Ўзбекистоннинг қурувчи ва нефтчилари ҳамда уларнинг хорижий ҳамкорлари мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигига атаб ўзбек халқига ажойиб совға тайёрлашди.

Давлат мустақиллигини эълон қилган дастлабки кунларданоқ биз нефть ва газ соҳасини ривожлантиришга, иқтисодиёт эҳтиёжини ўзимизнинг нефть ва газ манбаларимиз ҳисобидан қондиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқдамиз.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши ва ишга туширилиши биз учун муҳим, айтиш мумкинки, стратегик аҳамиятга эга.

Табиат Ўзбекистондан неъматларини аямаган. Заминимиз қаърида сон-саноқсиз табиий бойликлар, жумладан, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган энергия ресурслари — нефть, газ конденсати, табиий газ мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли минтақаларида 150 дан ортиқ нефть ва газ конлари очилган бўлиб, улардан 92 тасида иш олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда истиқболли Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларида бурғилаш, ободончилик ва тезда ишга туширишга тайёрлашда, фаол иш кетяпти. Буларнинг барчаси узоқ йилларга етадиган ишончли хом ашё базасини барпо қилади, республика иқтисодиётининг углеводород хом ашёсини қайта ишловчи маҳсулотларга эҳтиёжини таъминлашга имкон берибгина қолмай, республиканинг экспорт салоҳиятини ҳам анча оширади.

Мустақиллик йилларида нефть ва газни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш ҳажми сезиларли даражада ошгани бунинг исботидир. Газ конденсатига эга бўлган нефтни қазиб олиш сўнгги йилларда уч баравардан кўпроққа ошди ҳамда ҳозир 7,6 миллион тоннадан ошиб кетди. Газ қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Ҳозир Ўзбекистон ўзини газ билан тўла таъминлабгина қолмай, уни экспорт ҳам қилмоқда.

Бугун биз олдимизга янада мураккаброқ вазифани — нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмини оширишга эришибгина қолмай, уларни тўла қайта ишлашни таъминлаш, тайёр маҳсулотлар чиқаришни кўпайтириш, иқтисодиётимизнинг турли-туман, юқори сифатли нефть ва газни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш вазифасини қўйганмиз.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи айнан мана шу вазифани ҳал этишда муҳим ўрин эгаллаши лозим. У лойиҳа қувватида ишлай бошлаганидан кейин Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги конларда ҳар йили қазиб олинаётган 2,5 миллион тоннадан ортиқ газ конденсатини қайта ишлаш имкони пайдо бўлади.

Республикамиз жаҳон андозаларига мос келадиган нефть маҳсулотларининг кўпгина тури — юксак октанли бензин, авиакеросин, суюлтирилган газ, дизел ёнилғиси ҳамда мамлакатнинг кўпгина тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳалари учун зарур бўлган бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

Янги заводнинг фойдаланишга топширилиши республиканинг нефть мустақиллигига эришишини таъминлабгина қолмай, ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, Ўзбекистоннинг нефть ва газ, уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларининг жаҳон бозорида фаол иштирок этиши учун кенг истиқболлар ҳам очиб беради.

Азиз юртдошлар ва хорижлик меҳмонлар!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишининг ўзиёқ Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатлар, йирик хорижий фирма ва компаниялар билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бу, энг аввало, мамлакатимизда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун яратиб берилган ҳуқуқий ва иқтисодий шароит ҳамда кафолатларнинг натижасидир. Бу ўзаро ишонч ва яқин фойдали ҳамкорлик натижаси ҳамдир.

Янги завод қурилишини молиявий жиҳатдан таъминлаш ва қурилиш жараёнида Франция, Япония, Америка, Туркиянинг кўпгина машҳур банклари, компания ва фирмалари фаол иштирок этди.

Франциянинг «Текнип» фирмаси, Японияниг «Марубени» ва «Жей-Жи-Си» компаниялари томонидан лойиҳанинг технологик қисмини амалга ошириш учун барпо этилган Консорциум йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда моҳирлик ва самарали ҳамкорлик қилишнинг ёрқин мисоли бўла олади. Франциялик ва японияли ҳамкорларимизнинг, Туркиянинг «Гама» компанияси қурувчиларининг юксак профессионал маҳоратини қайд этмоқчиман. Улар юқори малакали мутахассисигина эмас, ишончли дўст, Ўзбекистонга фойда келтиришни астойдил истовчи кишилар сифатида ҳам ажралиб турадилар.

Завод қурилишида биргаликда иштирок этиш бизни бир-биримиз билан яқинлаштирибгина, бир-биримизни яхшироқ англаш ва бир-биримизнинг ишончимизни қозониш имконини берибгина қолмай, тажриба ва билимларимизни бойитди ҳамда ишончим комилки, бундан кейинги ҳамкорлигимиз учун ҳам мустаҳкам асос яратди.

«Текнип» компанияси лойиҳа директори **Броно Де**

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лескенга, шу компания учинчи зонаси бошқарувчиси **Этьен Горига,** «Келлог» фирмасининг вице-президенти **Кеннет Жеймс Алленга**, «Гама» компанияси технология қисми қурилиши бошлиғи **Метин Эрдўғмушга,** завод қурилишида ишлаган жуда кўп хорижлик мутахассис ва ишчиларга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Америкининг **«Чейз Манхеттен»**, Япония ва АҚШнинг **Экспорт-импорт** банклари, Франциянинг **«Креди коммерсиаль де Франс»** ва **«Париба»** банклари сингари машҳур банк тузилмаларининг молиявий кўмагисиз қисқа муддатда бундай йирик объект қурилишини амалга ошириш мумкин эмас эди, албатта.

Биз бугун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи биринчи навбатининг ишга туширилишида иштирок этиш имконига эга бўлишимизда молиявий ҳамкорларимиз, шунингдек, уларга кафиллик қилган Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлигининг, Франциянинг **«Кофас»** суғурта жамиятининг ҳам улкан хизмати бор.

Фурсатдан фойдаланиб, маросимда иштирок этиб, барчамизнинг қувончимизга шерик бўлаётган «Текнип» компанияси президенти жаноб **Пьер Вайони,** «Гама» компанияси президенти жаноб **Эрол Учерни**, «Марубени» корпорациясининг катта бошқарувчи директори жаноб **Тэцуо Нишизакуни**, «Жей-Жи-Си» компаниясининг катта бошқарувчи директори жаноб **Т. Цибантцужини**, «Креди коммерсиаль де Франс» банки вакили **Мари-Элен Берар** хонимни, «Чейз Манхеттэн банк»нинг бошқарувчи директори жаноб **Ричард Кемберленни**, «Париба» банки вакили жаноб **Жан Пьер Отеллини** ва бошқа меҳмонларимизни самимий қутламоқчиман.

Бугун ниятимиз рўёбга чиққани, ишончли шериклар топганимиз, улар билан бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканимиз хусусида фахр билан гапиришга тўла асосимиз бор. Халқларимиз ва мамлакатларимизнинг фаровонлиги ҳамда гуллаб-яшнаши йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли ҳамкорлик ва меҳнат қилишимизга ишончим комил.

Азиз дўстлар!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши, ҳеч муболағасиз, ниҳоятда қисқа муддатда амалга оширилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Франциянинг «Текнип» фирмаси билан заводнинг технология қисми қурилиши ҳақидаги контракт 1995 йилнинг июнь ойида кучга кирган эди. Бугун эса, орадан атиги икки йил ўтгач, ишларнинг якунланганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Қисқа муддат ичида **262 миллиондан ортиқ АҚШ доллари** ўзлаштирилди. Саҳрода, оғир иқлим шароитида барча муҳандислик коммуникацияларига эга бўлган завод қад кўтарди. Миқёс ва техник жиҳозланиши бўйича уни бемалол XXI аср иншоотлари сафига қўшиш мумкин.

Бундай натижага барча қурилиш иштирокчиларининг фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қад кўтариши ҳақиқатан ҳам бутун республика миқёсидаги қурилиш бўлди. Ўзбекистоннинг келажаги учун ниҳоятда улкан аҳамиятга эга бу заводни барпо этишга **Ўзбекнефтгаз, Ўзмонтажмахсусқурилиш, Ўзсаноатфуқароқурилиши, Нефтгазқурилиши, Сув қурилиши давлат қўмитаси, Энергетика вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзагроқурилиш, Ўзжамхўжқурилиши** ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар, республиканинг кўплаб саноат ва транспорт корхоналари ходимлари улкан ҳисса қўшдилар.

Ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати, уларнинг юксак профессионал малакаси ва айтган бўлардимки, ватанпарварлиги, ўз халқи олдидаги юксак фуқаролик масъулияти ҳисси, мамлакатимизни янада кучли ва фаровон кўришга интилиши бизнинг ислоҳотлар йўлидан дадил боришимиз ва жамиятимизни янгилашимизнинг муҳим омили эканини яна бир марта алоҳида таъкидламоқчиман.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши мисолида меҳнаткаш халқимиз нақадар улкан салоҳиятга эга эканига яна бир бор амин бўлдик. Бу — барқарор, бозор иқтисодиёти шароитида тобора ривожланиб бораётган демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги кўпгина мураккаб вазифаларни ечишга қодир ва буни бугунги кунда амалда исботлаётган реал кучдир.

Мен қурувчилар, ишчилар, раҳбар ва мутахассислар, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига меҳнати синган барча кишиларга улкан, самимий миннатдорлигимни изҳор қиламан. Бу нодир иншоотни барпо этишда қатнашган кишиларнинг ҳаммасини номма-ном санаб,чиқишнинг, афсуски, иложи йўқ. Чунки улар минг-минглабдир. Уларнинг барчаси ҳам самимий миннатдорлик сўзларига лойиқдир.

Бироқ «Бухоронефтзаводқурилиши» 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси **Саттор Саксонов**, «Бухороқурилиш» дурадгорлар бригадаси бошлиғи **Нуриддин Икромов,** Бухоро монтаж бошқармаси электр монтажчилар бригадаси бошлиғи **Владимир Наплеков,** Қоровулбозор НГРЭ бурғиловчи устаси **Рамазон Очилов,** Энергетика вазирлиги 4-монтаж бошқармаси электр монтажчиси **Николай Баев,** «Ўзбеккимёмаш» қозонпайвандлаш цехи қозончиси **Исмоил Холматов,** «Ўзэлектраппарат» 6-цехи катта устаси **Надежда Депутатова,** Навоий қурилиш бошқармаси механизация бошқармаси оғир кран ҳайдовчиси **Ашур Турдиев,** «Бухоросувқурилиши» трести 81-кўчма механизациялашган қурилиш колоннаси экскаватор ҳайдовчиси **Музаффар Мусаев,** «Қаршиқурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси 60-кўчма механизациялашган колонна монтажчиси **Ноил Аҳмедов,** «Ўзагросаноаттехмонтаж» трести 376-МСПМК монтажчилар бригадаси бошлиғи **Акбар Сулаймонов,** «Ўзқурилишмеханизация» трести 220-кўчма механизациялашган колоннаси кранчиси **Болта Бурҳонов**га, шунингдек фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз фахрига айланган юзлаб ўз ишининг усталари номини алоҳида тилга олиб, уларнинг барчасига катта раҳматлар айтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Ватандошларим!

Хонимлар ва жаноблар!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини барпо қилиш ва ўз вақтида фойдаланишга топширишда иштирок этган барча кишиларга шахсан ўз номимдан ва Ўзбекистон халқи номидан яна бир марта самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Барчангизни Ўзбекистон тарихидагина эмас, ҳар биримизнинг таржимаи ҳолимиз ва тақдиримизда юз берган бу қутлуғ воқеа — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга тушиши билан яна бир бор муборакбод этаман.

Бу иншоотни барпо этишда қатнашган инсонларнинг қўли асло дард кўрмасин.

Юртимизда шундай қувончли воқеалар янада кўпайсин!

Оллоҳнинг ўзи она диёримизнинг ва ҳар биримизнинг йўлимизни чароғон этсин, бизларни ёмон кўзлардан асрасин!

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ҚЎШИҚ, ТАРБИЯ ВА МАСЪУЛИЯТ

Қўшиқ тарбиявий аҳамиятга эга. Хонанда, бастакор, шоир ҳамкорлигида янги қўшиқ дунёга келади ва бу қўшиқлар дарҳол халқ орасига киради. Бироқ бундай қўшиқлар кўп эмас. Баъзан шундай қўшиқлар учрайдики, эшитиб беихтиёр уятдан кўзингни қаёққа олиб қочишни билмай қоласан. Масалан:

«Ҳарир рўмол бошингда ҳилпиллайди,
Май ичганда юрагинг қилқиллайди».

Эссиз рўмоллару, эссиз ўзбек аёли дегинг келади.

Ёки:

«Энди сиздан, ёргинам, қандай қилиб тонаман.
Ойда йилда бир келиб васлингизга қонаман».

Во ажаб, бу қандай табиатли одамлар учун экан?

Магнитофонда қўшиқ янграяпти. Уни эшитаётган ўспиринлар қўшилиб хиргойи қилишмоқда:

«Лабингдан сўрсам, юзингдан ўпсам,
Сочларингни силасам...» ва ҳоказо.

Бу ҳаёсиз сўзлардан иборат қўшиқларни миллий тарбиявий аҳамияти учун ким жавоб беради? Наҳотки, шу ва шунга ўхшаш қўшиқлар ёшларимизга маънавий озуқа бера олса?

Эркиной МИРЗАЕВА.
Фарғона вилояти.

БОЗОР — ЮРТНИНГ ОЙНАСИ

Давр бугун ҳар бир қишлоқда бозор бўлишини тақозо этмоқда. Биринчидан, қишлоқ аҳолисининг узоғи яқин бўлса, иккинчидан шаҳарнинг қишлоққа ташрифини тезлаштиради. Бу дегани, қишлоқлик деҳқон маҳсулоти билан шаҳарга келиб овора бўлиб юришини камайтиради. Бугун шу мулоҳазаларни айтаяпману, болалик кезлардаги хотиралар ёдга тушади. Ўша кезларда бобом билан 50 чақирим узоқликдаги қўшни туман бозорига харид қилиш ёки томорқамизда етиштирилган маҳсулотларни сотишга бориб турардик. Буқа ёки қўй-қўзиларни ҳам ўша узоқ бозорда сотишимизга тўғри келарди...

Яқин-яқинларгача қишлоқ аҳолиси ўша узоқ бозорга бориш учун бир кун олдин йўлга чиқишарди. Бозор атрофида тунашарди. Бу эса, ўз навбатида аҳоли учун катта қийинчиликлар туғдирарди.

1995 йилнинг ноябрь ойида Пойариқ туман ҳокимиятига бир гуруҳ қишлоқ кенгаши вакиллари, «Халқобод» хўжалиги маркази чакана ва улгуржи савдо хизмати кўрсатадиган бозор лойиҳасини қуришни тавсия этишди. Лойиҳа пухта ўрганиб чиқилгач, туманнинг Нақурт қишлоғида бозор қурилишининг пойдевори бошлаб юборилди.

Дастлаб, бозорда савдо-сотиқнинг бориши кўнгилдагидек бўлмаса-да, қўшни Гараша, хуллас қирққа яқин атроф қишлоқлар аҳолиси янги бозорга файз киритди. Эндиликда бу бозорни ҳеч ким яқиндагина ташкил этилган деб ўйламайди. Бозорда кийим-кечакдан тортиб деҳқончилик маҳсулотларигача мавжуд. Сотувчи ва харидорлар бу бозорнинг очилиши ва халққа беминнат хизматидан мамнун. «Нақурт бозори»га энди нафақат ён атроф, балки қўшни Қўшработ, Нурота, Фориш, Ғаллаорол, Челак ва бошқа туманлардан, ҳатто Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Еттисойдан ҳам харидорлар келишмоқда. Бу эса бозорнинг арзонлигидан далолат.

Лекин бозордаги аҳвол бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бозор маъмурияти ҳанузгача харидорлар учун ҳам, сотувчилар учун ҳам етарлича шароит яратиб бермаётганлиги таажжубланарли. Бу борада бозор маъмуриятидан қишлоқ аҳлининг талаби битта — бозорни янада ривожлантириш, айниқса, савдо жойларини кўпайтириш, ички йўлларга асфальт ётқизиш, машиналар тўхташ жойларини яхшилаш, чипта олиш тартибини йўлга қўйиш каби ишларни рисоладагидек бажаришса бас.

Бозорлар юртнинг ойнаси дейишади. Шундай экан, ўз ойнамизга беэътибор бўлмайлик.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ.

Истиқлол ва аёл

СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...

Мустақиллик ўзбек аёлига ўз билими, қобилияти, иқтидорини давлат ва жамият қурилишларига тўлиқ сафарбар этиш имкониятини берди. Бу ўринда Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармонини алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Албатта ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларимизга билдирилган юксак ишончнинг замирида уларга хос бўлган буюк оналик меҳр-муҳаббатлари куч ва ғайратлари, ноёб истеъдодларини тўла намоён этиб, ватанимизнинг гуллаб-яшнашида ўзларининг муносиб улушларини қўшишдек масъулиятли вазифа ётибди. Ишончимиз комилки, республикамиз хотин-қизлари ушбу вазифани виждонан бажариш қудратига эгадирлар. Чунки бизнинг момоларимиз ичидан Тўмарисдек шавкатли ҳукмдорлар, Сароймулк хонимдек оқила маслаҳатгўй сиёсатдонлар, Нодирабегимдек адиб ва давлат арбоблари, Гулбаданбегим, Зебунисобегим, Жаҳон отин Увайсий, Самарбону, Нозимахоним, Анбар отин, Дилшод отин, Саида Зуннунова, Ойдин Собирова, Зулфия каби забардаст шоираю фозилалар, Турсуной Саидазимова, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррамхоним Турғунбоева, Тамарахоним, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова каби дунёга машҳур буюк санъаткорлар, Хадича Сулаймонова, Раҳима Аминова, Фозила Сулаймонова, Сабоҳат Азимжонова, Мазлума Асқарова, Нозима Деҳқонхўжаева, Хатима Шайхова, Мамлакат Восиқова, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова каби юзлаб заҳматкаш оналар ва кўплаб давлат ва жамоат арбобларининг етишиб чиққанлигидан ғурурланамиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг кўп қисми қишлоқ шароитида яшайди. Шу боисдан ҳам жойлардаги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари қишлоқ аёли, қишлоқ ёшлари масаласи, уларга маиший ва маданий турмуш шароитини яратиш, меҳнатини енгиллаштириш, бунинг учун эса қишлоққа саноатни олиб кириш, кичик ва қўшма корхоналар қуриш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермер-деҳқон хўжаликлари, унча катта бўлмаган кооперативлар, пудратчи ва ижара оила жамоалари, ширкатчилик шаклларини ташкил этиш йўли билан улар учун иш ўринлари ташкил этиш, устоз-шогирд анъаналарини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Республикамиз вилоятлари, шаҳар ва туманларида босқичма-босқич ўтказилган ва Наманган вилоятининг Косонсой туманида 12-15 август кунлари ниҳоясига етказилган «Қишлоқ хотин-қизларининг XVIII спартакиадаси» ҳам қишлоқ хотин-қизларини соғломлаштиришда, соғлом авлодни шакллантиришдаги муҳим қадамлардан биридир. Эндиги вазифа эса, қишлоқ қизларидан жаҳонга машҳур спортчиларни тайёрлаш, Ўзбекистонда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти ишбилармонлик, тадбиркорлик, теран фикр билан иш юритишни тақозо этади.

Мамлакатимизда кенг қулоч ёзиб бораётган ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятида 20 мингдан ортиқ хотин-қизларимиз иштирок этиб 50 дан ортиқ турдаги озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар. Бу эса ўз навбатида бозор иқтисоди шароитида мамлакатимизнинг ички истеъмол бозорини тўлдириш, қолаверса, ўзбек аёлларининг касб маҳоратларини бутун дунёга намоён этишнинг муҳим воситасидир. Бу борадаги ишларимизни такомиллаштиришда Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган «Аёл ва бизнес» семинари, яқиндагина республика хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида босқичма-босқич ўтказилган ва Тошкентда якунланган «Маҳалланинг энг яхши тадбиркор аёли» кўрик-танлови муҳим роль ўйнаши табиийдир. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик шарофати билан 200 га яқин тадбиркор аёлларимиз дунёнинг Англия, Италия, Америка Қўшма Штатлари, Хитой, Германия, Португалия ва бошқа мамлакатларида малакаларини ошириб келиш имкониятига эга бўлдилар.

Республикамизнинг давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат хотин-қизлар делегацияси биринчи бор 1995 йил Пекинда бўлиб ўтган IV Халқаро хотин-қизлар конференциясида республика хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий ҳаёти ва аҳволи тўғрисидаги миллий маъруза билан иштирок этдилар.

Республика хотин-қизлари Покистонда бўлиб ўтган мусулмон давлатлари парламент аёлларининг биринчи халқаро конференциясида қатнашиш шарафига ҳам муяссар бўлдилар.

Шунингдек, Умумхитой аёллар федерацияси, АҚШ, Туркия, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Руминия, Корея, Япония, Ҳиндистон, Олмония, Россия ва бошқа ўнлаб мамлакатларнинг аёллар ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Мамлакатимиз хотин-қизларини давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини оширишнинг назарий асослари аниқ ва пухта белгилаб олинди. Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар масалалари бўйича Концепция яратилди.

Шу жумладан, республика хотин-қизлар қўмитаси ва жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган «Олима аёллар», «Ҳуқуқшунос аёллар», «Иқтисодчи ва тадбиркор аёллар», «Ижодкор аёллар», «Аёл ва экология» уюшмалари ҳам дастурларимизни амалиётга татбиқ этишда ўз улушларини қўшмоқдалар.

Мустақиллик шароитида оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш давлатимиз олиб бораётган устувор йўналишлардан бири бўлиб қолди. Ҳеч қайси мамлакатда бизнинг мамлакатдагидек оила, оналик ва болалик кучли ижтимоий муҳофаза қилинмаган. Ижтимоий муҳофазани ҳар бир фуқарога етказишнинг оила орқали амалга ошириш тизими фақат бизнинг республикамиздагина мавжуд. Хотин-қизлар ташкилотлари Президентимизнинг «Болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўп болалик, ночор ва кам таъминланган оилаларга, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим тизимида меҳнат қилаётган мураббийларнинг 68,6 фоизини аёллар ташкил этганлиги сабабли маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда Халқ таълими вазирлиги билан қатор вазифаларни амалда бажаришимиз инсон манфаатлари йилидаги бизнинг бурчимиздир.

Ҳар томонлама билимдон шарқ аёли сиймосини яратиш борасида ҳукуматимиз томонидан жуда улуғ ишга фотиҳа берилди. Яъни, МДҲ мамлакатларининг биронтасида йўқ «Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи» ташкил этилди. Мақсад, бўлажақ оналардан ҳуқуқ, хотин-қизлар ва болаларга тиббий, ижтимоий ёрдам берувчи, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ташкил этувчи мутахассислар тайёрлашдан иборатдир.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этишда муҳим роль ўйнайди. Бу борада республика хотин-қизлар қўмитаси ва жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари қошидаги «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмалари «Ҳуқуқий маданиятнинг долзарб масалалари» мавзуида семинарлар, турли ҳуқуқий мавзуларда суҳбат, маъруза, конференция, учрашув ва бошқа таълим-тарбиявий ишларни самарали ташкил этмоқдалар. Албатта бундай ишлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини шакллантиришдаги дастлабки қадамлардир. Ҳали бу борада хотин-қизлар ташкилотлари олдида қилиниши лозим бўлган муҳим ишлар турибди.

Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИ



Азиз муштарий! Қуйида таърифланган мусиқа санъатига оид сўзларни топиб, шаклда «занжир» ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 2. Ўзбек халқ давра қўшиқларидан бири. 3. Рақс билан ижро этиладиган халқ куйи. 4. Мамлакатимиздаги ашула ва рақс дасталаридан бири. 5. Чертиб чалинадиган беш торли миллий мусиқа асбоби. 6. Биринчи ўзбек операси. 7. Зарбли, бир жуфт мусиқа асбоби. 8. Мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси, устоз санъаткор, жамоат арбоби. 9. Шарқ халқлари мусиқа маданияти тарихи ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган таниқли венгер туркшунос олими. 10. Созанда ва бастакор, Ўзбекистон халқ артисти, «Мунажот», «Чўли Ироқ» каби чолғу куйларининг ашула йўллари ижодкори. 11. Дунёга таниқли раққоса, рақс санъатининг юқори чўққиси бўлган «Бхарат Натьям» мумтоз услубидаги рақсларнинг моҳир ижрочиси, истеъдодли кино санъаткор. 12. Тўй-тантана маросимларида айтиладиган давра қўшиғи. 13. Ботир Зокиров ижросидаги бастакор Икром Акбаров қўшиқларидан бири. 14. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали мадҳияси мусиқаси муаллифи. 15. Ўзбек, тожик ва уйғур мусиқа санъатига хос хилма-хил, ажралиб турадиган оҳангдаги қадимий куй ва қўшиқлар туркуми. 16. Шарқ мусиқа санъатига хос қўшиқ ва куй тури. 17. Маъмуржон Узоқов ижросидаги қўшиқлардан бири. 18. Икки торли, пардасиз, чертиб чалинадиган қозоқ миллий чолғу асбоби. 19. Мусиқали асар тури. 20. Холхўжа Тўхтасиновнинг Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган ашуласи. 21. Марказий Осиё халқларига мансуб, уриб чалинадиган торли мусиқа асбоби. 22. Устоз санъаткор Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов ижросидаги ашула. 23. Қўнғироқлар билан доира ва қайроқлар жўрлигида ижро этиладиган бухороча рақс. 24. Ўзбек халқ мақоми. 25. Рақс ижросида қўлланиладиган бир жуфт қаттиқ жисм. 26. Қисқа дастали, пардасиз қозоқ миллий мусиқа асбоби. 27. Ўтмишда кенг оммалашган, «Ўн икки мақом» таркибига кирувчи мақом. 28. Оналар қўшиғи. 29. Мусиқа асарининг юқори пардадаги ижроси. 30. Ўзбек халқ рақс куйи. 31. Алишер Навоийнинг «Бадойиз ул-васат» девонига киритилган ғазаллар байтидан:

Эй муғанний, чун ... розим бўлурсан — соз туз,
Тортибон мунглуғ наво
созинг била, овоз туз.

Энди жавоблар асосида қуйидаги рақамлар жуфтидаги (биринчи сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) муаммономани ҳал этинг:

18-2; 3-4; 2-6; 1-3; 9-7; 19-2; 4-2; 14-6; 23-5; 20-7; 13-2; 6-5; 21-4; 26-4; 11-3; 5-1; 10-1; 8-7; 7-2; 12-2; 16-2; 22-8; 15-4; 27-5; 17-3; 23-7; 24-4; 31-2; 25-3.

Ундан мумтоз бастакор, мусиқашунос олим, созанда, ҳофиз ва шоир, шунингдек, Марказий Осиё халқларининг XVI-XVII асрлардаги мусиқий маданиятига оид қомусий нодир асарнинг номи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН НЕЪМАТЛАРИ» ЎЙЛАНМАСИНИНГ ЖАВОБЛАРИ
(«Ўзбекистон овози», *1997 й, 19 август.)*

1. Редиска. 2. Райҳон. 3. Помидор. 4. Боғбон, 5. Нашвати. 6. Шарбат. 7. Девзира. 8. Жавдар. 9. Бақлажон. 10. Қирқма. 11. Лавлаги. 12. Дўлана. 13. Бодринг. 14. Гармдори. 15. Шафтоли. 16. Ананас. 17. Кадинок. 18. Босволди. 19. Хурмойи. 20. Гулоби. 21. Исмалоқ. 22. Шолғом. 23. Картошка. 24. Баргак. 25. Мураббо. 26. Буғдой. 27. Мирзойи. 28. Тарвуз. 29. Тоғолча. 30. Олхўри.

Муаммонома

Очқич. 1. Хина. 2. Қиём. 3. Шамс. 4. Вазн. 5. Меш.

Мақол: Ёз меваси — қиш хазинаси.

ТОҒНИНГ ДОНИ ТЎҚМАҒИЗ

Лалми ерларда деҳқончилик қилиш бамисоли табиатдан мурувват кутишдир. Табиат инъом қилса, хирмонга барака киради, йўқса, барча саъй-ҳаракатлар, меҳнат зое кетиши ҳеч гап эмас. Бултур республикамиздаги бирталай лалмикор зоналарда бўлгани каби Фориш тумани ғаллакорлари ҳам доғда қолиб, оғир синовни бошидан кечирган эдилар.

Ҳартугул табиат бу йил форишликларни сийлади. Тоғ ёнбағирлари ва чўл зоналардаги ғаллазорларда ҳосил кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Ўримйиғим мавсуми ўюшқоқлик билан ўтказилгани, дон нобудгарчилигига қарши кескин кураш олиб борилгани натижасида хирмонлар донга тўлди. Давлатга 6750 тонна тўқмағиз дон сотилиб, бу борадаги режа уддаланди. Албатта бунда фақат об-ҳавонинг қулай келганинигина эмас, ғаллакорларнинг фидокорона меҳнати, тадбиркорлиги, табиат инжиқликларига ўзларининг бой тажрибаларини қарши қўйганликларини ҳам эслатиш ўринлидир. Чунки табиат ҳар қанча сахий бўлмасин, инъомини ўз-ўзидан беравермайди.

Туман ғаллакорлари эришган ютуққа Мусоқул Оролов номли, «Қизилқум», «Фориш», «Қумқўрғон», «Боғдон», «Туркистон» хўжаликларининг лалмикорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Ғаллакорлар пешма-пеш келгуси йил ҳосилига ҳам замин тайёрламоқдалар.

Бобо САРОИЙ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚОҒОЗБОЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСА»

Рўзноманинг 1997 йил 26 апрель сонида чоп этилган «Қоғозбозликка чек қўйилса» сарлавҳали мақола Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида атрофлича кўриб чиқилди. Мақолада кўтарилган масала юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Республикамиз ўқув юртларига ҳужжатларни қабул қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Низомнинг 10-бандида абитуриентлар томонидан ўқув юртлари қабул комиссияларига топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган.

Мақолада билдирилган фикр ва мулоҳазалар янада чуқурроқ ўрганилиб, келаси йил ўқув юртларига қабул Низоми шакллаётган даврда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклиф киритиш режалаштирилди.

Вазир муовини Қ. АЛЛАЕВ.

«ЧИПТАМИЗ ПУЛИГА ҚУЙИБ ҚОЛДИК»

Газетанинг 1997 йил 21 июнь сонида босилган «Чиптамиз пулига қуйиб қолдик» сарлавҳали танқидий мақола «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компанияси раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди.

Шуни маълум қиламизки, мақолада кўрсатилган далиллар тўғрилиги текшириш натижасида аниқланди. Иш жараёнида вазифасини лоқайдлик билан бажариб, қўпол хатоликка йўл қўйгани учун Қўқон шоҳбекатининг чипта сотувчиси Х. Жабборовага ўртача иш ҳақининг 20 фоиз миқдорида жарима солинган. Шоҳбекат бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси Т. Хўжамбердиевга ўз вазифасини бажаришда эътиборсизликка йўл қўйгани учун ўртача ойлик иш ҳақидан 20 фоиз миқдорида жарима солинган.

Бу мақола барча шоҳбекат ходимларига маълумот учун етказилган. Чипта эгалари Қўқон шоҳбекати маъмуриятига мурожаат қилсалар, айбдор чипта сотувчи Х. Жабборовадан чиптанинг қийматини ундириб берилади.

Компания раисининг ўринбосари А. ДОНОЕВ.

«ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН» ТЕЛЕМАРАФОН ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ ХАЙРИЯ ЛОТЕРЕЯСИ БЎЙИЧА 1997 ЙИЛ 20 АВГУСТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг икки разрядига умумий суммаси 100 млн. сўмлик 76062 та пул-буюм ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 009486, билет рақами 005 бўлган лотерея билетига «Супер ютуқ» чиққанлиги кўрсатилган.

Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг номи	Ютуқ баҳоси
000021	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
000032	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000041	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000055	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000091	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000233	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000279	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000346	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000402	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000411	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000415	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000467	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000483	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000491	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000504	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
000506	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
000527	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000544	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
000632	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000653	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
000655	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000682	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000687	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000701	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000711	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000767	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000798	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
000853	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000860	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000900	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000944	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000965	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000972	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000979	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
000991	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
000997	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001023	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001049	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001052	030	«Нексия» автомобили	1000000
001080	038	«Тико» автомобили	750000
001102	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001133	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001199	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001217	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001218	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001236	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001241	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001284	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001343	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001344	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001346	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001352	032	«Дамас» автомобили	1000000
001369	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001387	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001427	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001439	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001449	044	«Тико» автомобили	750000
001454	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001456	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001460	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001467	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001475	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001496	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001505	043	«Дамас» автомобили	1000000
001521	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001526	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001536	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001571	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001593	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001594	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001606	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001654	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001681	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001707	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001742	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001744	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001751	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001760	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001771	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001778	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001806	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001813	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001829	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001843	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001853	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001858	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001876	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001877	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
001920	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001934	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001951	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001957	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
001967	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
001981	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
002147	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
002217	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
002246	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
002287	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
002299	1—100	100 сўм миқдоридаги пул ютуғи	100
002376	1—100	1000 сўм миқдоридаги пул ютуғи	1000
002380	1—100	500 сўм миқдоридаги пул ютуғи	500
